

## ЗУБАЙРА: ҚАЛБ ВА КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИ

НОСИР ДЎЛТА

р о м а н

***Ахлоқсизлик ҳеч қачон уни одамларнинг ўзи тарқатмагунча пайдо бўлмайди, у ота - боболарга ёт бўлган жазави ва вабо билан бирга тарқалади.***

***Расулиллоҳ (с.а.в.) дан Имом Малик ривояти***

### БИРИНЧИ ҚИСМ

#### ***Биринчи фасл***

*Ушбу ҳикоямдаги воқеалар қандай содир бўлган бўлса шундайлигича сўзлаб беришга қарор қилдим, зеро ойни этак билан ёпган билан ой ёпилиб қолмайдику. Бундан ташқари кўпгина ёшлар назарида, катталар уларни тушинмаётгандек ёки тушинишни хохламаётган бўлиб кўринадилар. Шуларни назарга олиб, мени дунёқарашим шаклланишида муҳим аҳамият касб этган воқеаларни имкон қадар аниқроқ сўзлаб беришга ҳаракат қиламан. Сиз мени тўғри тушинарсиз, деб умид қилиб қоламан.*

Мен сизларга сўзлаб бермоқчи бўлган илк балоғат ёшидаги палла ҳақида – гоҳо умидли, гоҳо мунгли, гоҳо беҳаё, гоҳо бесабрлик билан алмашинувчи, зулмат ичра қолиб кетган ҳаётим тўғрисида сўзлаб бермоқчиман. Аслида биз, том маънода шошқалоқ яратилган эканмиз. Бошимизга кўргилик тушмагунча ўзимизни кучли, беҳожат, худди ҳаёт бизлар учун яратилгандек ҳис қилаверар эканмиз. Мен ҳам ўн олти ёшимда кўпчилик қатори шундай эдим. Шоят, мени тинглаб ва мендан ибрат олиб, бу ҳаётга энгил – ялпи назар ташламай, эндигини мустақил қадам босаётган ёш қизларга ёрдам бўлса деган умид билан Яратувчидан сўраб қоламан.

Хозир мени ёшим ўттизга бориб қолган ҳамма қатори аёлман, оила кўрганман, икки нафар фарзандим бор. Ёшингиз ўтган сари аввалги ҳаётингизни тафтиш қилиб туриш кўникмаси кучаяр экан. Гарчи Оллоҳ мени кечирешига умидим асосли равишда кучли бўлсада, босиб ўтган йўлим шунчалик жоҳиллик, нопоклик ва шармандалик билан қопланганидан ўзимни ёмон кўриб кетаман. Ёшлик бебошлик, деганлари тўғри экан, шунга қараб инсон нодонлигини чек - чегараси бўлмас экан. Лекин иложим қанча, бўлар иш бўлиб бўлган. Кўнглимни қаронғилик, қалбимни дардлар эгаллайди. Кўзларимда ёш ила Ўзига кўнглимни ёраман, кечирешини сўрайман.

Келинг ҳаммаси бошидан бошлаб қўя қолай.

Ўн олти ёшга тўлганимда ҳаётдан умидлари катта ҳушрўйгина қиз эдим. Қўни - қўшни аёллар гап орасида “қизингиз мунча ёқимтой бўлмаса” ёки “келининг бўлса шунақа келишган бўлса” дейдиган гапларидан ойимни ва отамни кўнглилари тоғ бўлиб кетарди. Бу сўзлари менга ҳам ёқиб тушар эди. Совчиларнинг кети узилмас, мени кўриш учун йўлларимни пойлаб ўтиришарди. Дугоналарим билан мактабдан уйга қайтар эканмиз, энг аввало ҳаммани нигоҳи менга қаратилган бўлар эди. Ўзимни, ойимни онасидан қолган ва бувингни руҳи қуввати – мадат бўлсин дея хонамга олиб кириб қўйишган кийим жавонининг тош ойнасига солар эканман “мен ҳақиқатан ҳам, жуда гўзал қиз эканман” деган фикр бошимга ўрнаша бошлаган эди.